O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 21 февраль, №37 (3311) Шанба


## СУВ ВА ЕРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

*Швейцариянинг халқаро тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан "Фарғона водийсида сув ресурсларини бирлашган ҳолда бошқариш" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Давлатлараро мувофиқлаштириш сув хўжалиги комиссиясининг Илмий-ахборот маркази ва Халқаро сув ресурсларини бошқариш институти (IWMI) мазкур лойиҳа ижрочилари саналади.*

"Фарғона водийсида сув ресурсларини бирлашган ҳолда бошқариш" лойиҳаси фермер хўжаликлари ўртасида сувни кафолатли ва тенг тақсимлаш масаласи билан шуғулланади, сув ва ердан экин майдони даражасида унумли фойдаланишнинг самарали технологик услубларини ишлаб чиқади.

Давлатлараро мувофиқлаштириш сув хўжалиги комиссиясининг Илмий-ахборот маркази директори Виктор Духовнийнинг айтишича, лойиҳа бўйича мўлжалланаётган фаолият тўртта вилоят — Ўзбекистонда Андижон ва Фарғона, Қирғизистонда Ўш ва Тожикистоннинг Сўғд вилоятида амалга оширилади. Бу борадаги ишлар асосан Сирдарёдан сув ичадиган учта магистрал канал — Ўзбекистондаги давлатлараро, вилоятлараро ва туманлараро ҳисобланган Жанубий Фарғона, Қирғизистондаги Араван-Оқбурун ва Тожикистондаги туманлараро Хўжа-Бақирғон канали бўйлаб олиб борилади.

Умуман олганда, ушбу лойиҳа ёрдамида Фарғона водийсида сув хўжалиги тармоғи ислоҳ қилинади. Минтақада умумий саъй-ҳаракатлар билан янги сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этилди. Улар ўзларида ички сув ўлчаш тизимини жорий қилаётир. Учта тажриба каналида сув сатҳини ўлчайдиган қурилмалар ўрнатилди. Сув таъминоти жараёнини сувни тақсимлаш бўйича режалаштирилган жадвал шаклида бошқариш ва иқлим шароитлари ҳисобга олинган ҳолда истеъмолчилар аризалари асосида унинг мониторингини ўтказиш сувдан тенг ва адолатли фойдаланиш борасидаги дастлабки қадамдир.

Шу билан бирга, сувни бошқаришни режалаштириш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш воситаси ҳисобланган ахборот тизими ташкил этилди.

Тажриба хўжаликлари доирасида намойиш этилган далаларни паспортлаштириш фермерларга захираларни аниқлаш, ер ҳамда сув унумдорлигини ошириш бўйича мавжуд имкониятларни амалга ошириш имконини берди. Лойиҳа иштирокчилари уларга сувдан фойдаланишни баҳолаш ва таҳлил қилиш ишларини юритишда ёрдам бермоқда, лойиҳани самарали қўллаш, агротехник тадбирларни ўтказишга доир тавсияномалар ишлаб чиқаётир. Буларнинг барчасидан кўзланган мақсад ҳар бир гектар ердан олинадиган ҳосилдорликни оширишдир.

Шунингдек, лойиҳа мутахассислари ҳар бир фермер хўжалиги учун агромелиоратив ҳужжатларни тузиши мумкин. Ушбу ҳужжатларда тақдим этилган маълумот ҳар бир дала ёки фермер хўжалигининг ҳақиқий ҳолатини акс эттиради. Энг асосийси эса фермерга юқори ҳосил етиштириш ва яхши даромад олиш учун барча агротехник ишларни қай тарзда тўғри режалаштириш ва ўтказиш бўйича илмий асосда ишлаб чиқилган аниқ тавсиялар таклиф этилади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, 10 та тажриба участкасидан 9 тасида ер ва сув унумдорлиги яхшиланган. Фермер лойиҳа кўрсатмаларига риоя қилмаган далаларда эса аксинча, бу кўрсаткич пасайиб кетган. Сув ресурсларидан фойдаланишни оқилона ташкил этиш билан бир пайтда лойиҳа томонидан минтақанинг ижтимоий ва экологик муаммолари ҳам ҳал этилади.

Бу йил лойиҳанинг кўргазмали участкалари нафақат тажриба хўжаликлари, балки бошқа хўжаликлар фермерларига турли хизматлар кўрсатадиган маслаҳат хизматини ташкил этиш асосига айланади. Масалан, ушбу хизмат сувни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш, магистрал каналлар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда экинлар турлари ҳамда экин майдонлари тузилмасини танлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича тавсиялар беради, шунингдек, ҳуқуқий масалаларда кўмаклашади.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



## Экспортбоп маҳсулотлар

*Эътибор бераётган бўлсангиз, сўнгги йилларда қурилиш моллари билан савдо қилувчи дўконларда турли катталикдаги пластмасса қувурлар кўпайиб қолди. Газ, иссиқ ва совуқ сув учун мўлжалланган ушбу қувурлар истеъмолчига кўп эмас, оз эмас салкам бир аср хизмат кўрсатиши кўзда тутилган. Яқин-яқинга қадар минглаб чет эл валютаси ҳисобига келтирилган ушбу маҳсулот ҳозирда Жиззахдаги "Жиззах ЛРС пласт" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётир. Ҳар қандай хориж маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган 16-250 мм. қалинликдаги қувурлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорларига эга.*

*Ўтган йили корхона маҳсулотлари Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Афғонистон мамлакатларига экспорт қилинди. Бу йилдан бошлаб эса корхонада бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилиши мўлжалланган.*

**СУРАТДА: корхонанинг экструдер-оператори Музаффар Зиёев иш устида.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

### *Қонун лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида*

*Бозор шароитида тижорат муносабатларини тўғри йўлга қўйиш мамлакат иқтисодий салоҳиятини кучайтиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Фан-техника тараққий этгани сайин у такомиллашиб бормоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, электрон тижорат натижасида товарларни сотиш, ана шундай операцияларни бажариш иқтисодиётга қўшимча даромад келтиради.*

## Фикрлар инобатга олинса...

Масалан, АҚШда молия, банк ва божхона операцияларини электрон ҳужжат орқали бажаришда йилига ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га қўшимча 40 миллиард доллар маблағ келиб тушади. Ҳозирги пайтда мазкур мамлакатда олди-сотдиларнинг 20 фоизи электрон тижорат ҳужжатлари орқали бажарилмоқда.

Маълумки, республикамиз иқтисодиётида тадбиркорлик — кичик бизнес субъектлари асосий ўрин тутади. Бугунги кунга келиб, жами 260 мингта ана шундай хўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатмоқда. 2003 йилда уларнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 35 фоизни ташкил этди. Электрон тижорат йўлга қўйилса, соҳада янада кенг имкониятлар яратилади. Бу масала «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 5-, 6-моддаларида ўз аксини топган.

Биласиз, шартнома ишлаб чиқарувчи ва буюртмачи ўртасидаги асосий ҳужжат ҳисобланади. Шу сабабли электрон тижоратда шартнома шартларини бажариш товарларни сотишнинг асосини ташкил этади. Қонун лойиҳасининг 8-моддасида ушбу фикр келтирилган. Унга **«шартнома вақтида бажарилмаганлиги учун томонлар ҳуқуқий жавобгарликка тортилади»** деган фикр қўшилса, бобнинг моҳиятини янада кучайтиради деб ўйлайман.

Бундан ташқари, лойиҳанинг 8-моддасида «электрон ҳужжатлар билан шуғулланилганда» жумласида шартномалар муддати аниқ белгиланиши лозим. 10-моддада ҳужжатлар ва нархларнинг ўзгармаслигини таъминлаш, 11-моддада шартномага киритиладиган шартларни кўрсатиш, 13-моддага эса низолар қай йўсинда ҳал этилиши ва унинг қайси институционал ёки қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларига дахлдорлигини аниқ келтириш зарур, деб ҳисоблайман.

Кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинаётган «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси шундай фикр ва таклифлар билан бойитилса, ўйлайманки, у мукаммал ҳуқуқий ҳужжатга айланади.

**Шавкат ЗАЙНУТДИНОВ,**
**профессор.**

## ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг пленуми бўлиб ўтди. Унда хўжалик судларининг 2003 йилдаги фаолияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама этилди.

Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов бошқарган тадбирда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, иқтисодиётимиз изчил ривож топаётгани таъкидланди. Хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес вакиллари, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб, улар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судларига тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар.

Якунланган йилда хўжалик судларида 55 мингдан ортиқ низо ҳал этилиб, даъвогарлар фойдасига 600 миллиард сўм ҳамда 16,3 миллион АҚШ доллари ундириб берилди. Шундан салкам тўққиз мингини тадбиркор, деҳқон ва фермерлар манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ суд жараёнлари ташкил этди. Ушбу субъектлар фаолиятига асоссиз аралашиб, уларнинг ривожига тўсқинлик қилаётган назорат ва бошқарув идораларининг қонунга зид 282 ҳужжати ҳақиқий эмас, деб топилди.

Пленумда бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этаётган банкротлик институти билан боғлиқ жараёнлар чуқур таҳлил этилди. Суд санкцияси, ташқи бошқарув, кузатув ва келишув битимларидан ўз ўрнида фойдаланилгани боис банкрот, деб эътироф этилаётган корхоналар сони қисқармоқда. 2002 йилда 1250 корхона банкротликка юз тутган бўлса, ўтган йили бу рақам 419 тага камайди.

Пленумда шартнома интизомини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорлар дуч келаётган бюрократлик ва таъмагирлик ҳолатларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги амалиётни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б.Мустафоев, Бош прокурори Р.Қодиров, Олий суди раиси Ф.Муҳитдинова иштирок этди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

### Фермерларга янги техника

***БУХОРО (ЎзА мухбири Илҳом Сафар).***

**"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниясининг вилоят бўлими ширкат ва фермер хўжаликларига лизинг асосида ўттизта "ТТЗ-80-11" трактори етказиб берди.**

**Ҳар бири 13,1 миллион сўмлик бу техника нархининг 15 фоизи олдиндан берилади. Қолган қисми етти йил давомида тўланади.**

**— Янги техникага талабгор фермерлар кўпайиб боряпти, — дейди компаниянинг вилоят бўлими директор ўринбосари Анвар Баротов. — Вилоятимизга яқин кунларда яна йигирма битта янги трактор келтирилади.**

## Хўжасизлик

### «Гулбоғ» ширкат хўжалигида пахта таннархини ошириб, деҳқон меҳнати самарасини елга совурди

*2003 йилда Мингбулоқ туманида бир центнер пахта етиштириш учун 24516 сўм маблағ сарфланди. Амалда шунча миқдордаги хомашё 19701 сўмдан сотилди. Оқибатда тармоқдан кўрилган зарар 1,1 миллиард сўмга етди. Унинг 317 миллион сўми «Гулбоғ» ширкат хўжалиги ҳиссасига тўғри келди.*

### *Яхшидир аччиқ ҳақиқат*

Мазкур хўжаликда бултур давлатга пахта топшириш шартномавий режаси 56 фоизда қолиб кетди. Яъни, 4756 тонна ўрнига 2674,8 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 12 центнерни ташкил этди. Агар режага қўшимча 400 гектар майдонга чигит экилганлиги эътиборга олинса, ерлар самарадорлиги ҳаминқадар эканлиги аён бўлади-қўяди.

Устига устак, сарф-харажатлар кескин даражада ошиб кетганига нима дейсиз? Мисол учун, хўжаликда бир центнер пахтани етиштириш 34157 сўмга тушган бўлса, шунча миқдордаги ҳосил қайта ишлаш корхонасига 20669 сўмдан сотилган. Зарар — 13488 сўм.

— Хирмонимиз бут бўлганда, шунча зиён қаёқдайди! — қолоқлик сабабларини хаспўшлайди бош иқтисодчи Шерзод Беконазаров.

Гап фақат режа бажарилмаганидами? Йўқ, хўжасизлик туфайли ажратилган ўғит ва ёнилғи-мойлаш материалларидан ҳам кўркўрона фойдаланилган. Айтайлик, бизнес-режага мувофиқ, бир гектар ердаги ғўзани парваришлашдан бошлаб пахтани териб олингунга қадар бўлган даврда техника воситасида бажариладиган тадбирлар учун 255 килограмм ёки 307 литр ёнилғи ажратилган. «Гулбоғ»да бу кўрсаткич 422 килограммга етди. Аниқроқ қилиб айтганда, 510 тонна ўрнига 844 тонна ёнилғи ишлатилди. Бу пулга чақилса, 37,4 миллион сўмни ташкил қилади.

Тўғри, об-ҳаво ноқулай келганлиги оқибатида чигит қайта экилди. Лекин фақат тадбир эвазига ёнилғи сарфи салкам икки баравар ортиб кетмайди-ку? Мутахассисларнинг ҳисоб-китобича, бир гектар майдонга уруғни қайта қадаш учун кўпи билан 12 килограмм дизель ёнилғиси сарфланади. Унда ҳисобчининг темир дафтарига тиркалган тонналар қаёқдан пайдо бўлди?

Вилоят ички ишлар бошқармасидан олинган ушбу маълумотга эътибор беринг: «2003 йил декабрь ойида Мингбулоқ туманидаги «Гулбоғ» ширкат хўжалигининг ёнилғи омбори мудири Ҳайдарали Мираҳмедов 3500 литр ёки 378 минг сўмлик дизель ёнилғисини хусусий машина эгасига сотаётганда қўлга тушди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас, яъни унинг ноқонуний иши тергов қилинаётган даврда хўжаликнинг ёнилғи маҳсулотларини ташиш машинаси ҳайдовчиси Анвар Холдоров 240 литр ёки 27600 сўмлик ёнилғини пуллаётган пайтда ушланди».

Бу хўжасизликнинг яққол намунаси эмасми?

Яна бир гап. «Гулбоғ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 16 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Улар орасида иш излаб юрганлари ҳам анчагина. Шунга қарамай, ўтган йилги пахта терими мавсумига икки мингдан ортиқ ҳашарчи жалб этилди. Пировардида биргина уларга ажратилган танспортларнинг харажати хўжаликнинг елкасини яғир қилди. Негаки, ҳашарчиларни 80 километрдан олиб келиш учун 65 та автобус ва 100 дан ортиқ юк машинаси ишлаб, нақ 20 миллион сўм маблағни совуриб кетди-да!

Шу кунларда «Гулбоғ»да ўтган йил сарҳисоби ниҳоясига етказилаяпти. Натижалардан эса ҳеч киши хурсанд эмас. Тарозининг зарар палласи босиб кетган, қўшимча ҳақ ва дивиденд — анқонинг уруғи.

Бундай аҳволда, албатта, пахтакорда ерга соҳиблик, далага меҳр, меҳнатдан манфаатдорлик туйғуларини шакллантириш ҳақида гап бўлиши мумкинми? Дала меҳнаткашларининг ана шу саволига ширкат хўжалиги ва туман ҳокимлиги мутасаддилари нима деб жавоб беришаркин?

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Пойтахтимизда



## ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида адлия идоралари олдига қўйилган вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Адлия вазири А.Полвонзода бошқарган йиғилишда якунланган йилда адлия идоралари томонидан тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш бўйича самарали ва таъсирчан тадбирлар амалга оширилгани таъкидланди. Бунда асосий эътибор тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва уларнинг ҳуқуқини поймол қилаётган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласига қаратилди.

Ҳуқуқий ҳимоя тизимининг такомиллашиб бораётгани туфайли тадбиркорларнинг адлия идораларига мурожаатлари сони кескин ошди. Адлия органларининг ташаббуси билан тадбиркорларнинг, жумладан, хорижий инвесторларнинг манфаатини кўзлаб судларга 65,6 миллиард сўмлик ҳамда 939 минг АҚШ доллари миқдорида 14 мингга яқин даъво аризаси киритилди. 400 миллион сўмга яқин етказилган моддий ва маънавий зарар бевосита айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан ундирилди.

Кўплаб хўжалик ва ички хўжалик шартномалари ўрганилиб, адлия идораларининг талабига кўра 47 мингдан ортиқ шартнома қайта туздирилди. Шу билан бирга, барча турдаги хўжалик шартномаларининг намуналари ишлаб чиқилиб, жойларга қўлланма тариқасида етказилди.

Адлия идоралари фаолиятининг асосий йўналиши бозор ислоҳотларини, хусусий мулкчиликни ривожлантиришга йўналтирилган қонунларнинг ижросини таъминлашга қаратилган. Адлия вазирлиги томонидан уларнинг ижроси бевосита жойларга чиқиб ўрганилмоқда. 2003 йилда респуб-

(Давоми 2-бетда).

### Жойлардан хабарлар

### Деҳқон ҳам билимдон бўлиши керак

**Яқинда Урганч шаҳрида хоразмлик ва қорақалпоғистонлик фермерлар учун «Германия агроакцияси» лойиҳаси бўйича ўқув-семинар бўлиб ўтди. Маълумки, 1994 йилдан буён Ўзбекистонда ушбу лойиҳа бўйича уруғлик картошка етиштириш йўлга қўйилган.**

**Ташкилот лойиҳаси бўйича 2001 йилда Хоразмда 17 та фермер хўжалиги деҳқончилик қилган бўлса, ўтган йили улар сони 76 тага етди. Ялпи ҳосил 580 тоннани ташкил этди.**

**Семинарда германиялик мутахассислар фермерларга уруғлик картошка етиштириш юзасидан шартномалар тузиш шартлари ҳақида маслаҳатлар беришди.**

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Андижон вилояти инкассацияси бошқармасида соҳа ходимлари ўртасида "Ҳушёрлик — давр талаби" мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди.**

### Ҳушёрлик — давр талаби

**Унда вилоят марказий банки, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ҳамда "Маънавият ва маърифат маркази" вилоят бўлими ходимлари қатнашдилар.**

**Анжуманда мамлакатимизнинг сиёсий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, доимо огоҳ бўлиш давр талаби эканлиги алоҳида таъкидланди.**

**Ўз мухбиримиз.**

## «Юксак дипломат мукофоти» — Ўзбекистон элчисига

Деҳли шаҳрида 31-Жаҳон маркетинг конгресси бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ҳиндистон ҳукумати ва Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида Маркетинг ва менежмент институти томонидан ташкил этилди.

Тадбир чоғида Маркетинг ва менежмент институти қатор йўналишлар бўйича таъсис этган бир неча фахрий мукофотлар ўз эгаларига топширилди. Улар орасида Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Иброҳим Мавлонов ўтган 2003 йил якунлари бўйича мазкур институтнинг "Юксак дипломат мукофоти"га сазовор бўлгани маълум қилинди. Ҳиндистон меҳнат вазири Саҳиб Сингҳ Верма мамлакатимиз дипломатия ваколатхонаси раҳбарига ушбу мукофотни тантанали равишда топширди.

Маркетинг ва менежмент институтининг ижрочи президенти, профессор Жагжит Сингҳ икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқалар ривожига қўшиб келаётган салмоқли ҳиссаси ва Ўзбекистонда ўтказилаётган демократик, иқтисодий ислоҳотлар ҳақидаги ахборотларнинг Ҳиндистон иқтисодий институтлари орасида кенг тарқатилиши ҳамда ўз мамлакати тақдимотларида маҳаллий ишбилармонлар билан яқин алоқалари учун Ўзбекистон элчиси ушбу мукофотга лойиқ топилганини билдирди.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**"Жаҳон" АА мухбири,**
**Деҳли.**

*Таҳлил*

# Режа муҳимми ёки даромад?

Кўпдан буён учрашмаган дўстимиз Тошкентга келганда дийдорлашиб қолдик. Талабалик йилларини эсладик, эски танишлар ҳақида суриштирдик. Албатта, бундай пайтларда ҳамма ҳам бир-биридан хонадонлар тинчлиги, турмуш қандай кетаётганлиги ҳақида сўрайди.

— Ҳа, энди, биз томонларда ҳам бозор иқтисоди ўз кучини кўрсатаяпти, — маънодор оҳангда сўз бошлади дўстим.

— Узр, бозор иқтисодиёти деганда нимани тушунасиз? — деб сўрадим.

— Пулни-да, бир қадам қўёлмайсиз пулингиз бўлмаса, — дангал жавоб қилди у.

Менга бу жавоб анчайин содда туюлди. Биз, янгиланган жамият сари бораётган мамлакат фуқаролари чин маънодаги бозор иқтисодиётини англаб етаяпмизми? Ахир инсонлар ўртасидаги бундай муносабат Ер юзидаги энг тараққий этган давлатларни тутиб турибди-ку?! Ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон ҳам илғорлар юрган йўлдан — бозор муносабатларини жорий этиш сари интилмоқда. Жаҳондаги энг ривожланган ўлкаларда синалган тизимга ўтиш учун бутун аҳоли маълум курсда ўқиши шарт эмас. Буни бизга ҳаётнинг ўзи ўргатади. Бозор қонун-қоидаларини яхши тушунишда давлатимиз, ҳукуматимиз юритаётган сиёсат муҳим омилдир.

Шу маънода, бугунги кунимизга баҳо беришда рўзғордаги майда-чуйда муаммоларга эмас, дунёдаги туб ўзгаришларга қараб фикрлаш ўринлидир. Тўғри, бозорга ўтиш харажатни, яъни пулни талаб қилади. Лекин ўша пул сизу бизнинг бирдан-бир мақсадимиз эмас, кўзлаган ишларни адо этишимизга восита бўлмоғи керак. Башарти бозор муносабатларининг муҳим шарти пул деган тушунча мавжуд экан, нега энди янгича шароитда аҳоли даромадларининг манбалари бир неча баравар кўпайиб бораётганлигига урғу бермаймиз?

“Бозор иқтисодиётининг собиқ режалаштирилган иқтисодиётдан асосий фарқи нима?" деб савол қўяйлик. Илгари маҳсулот етиштириш учун қанча харажат кетади, даромад қанча бўлди — буларни фақат тепадаги раҳбарлар ҳал қиларди, қолганлар ишлашдан бошқа нарсани билмасди. Энди эса ўз ақл-заковати билан кучини сарфлаётган ҳар бир одам бугунги меҳнати қандай мезонларда ўлчанишини, ундан нима самара бўлишини билиши керак. Демак, бозор иқтисодиёти, энг аввало, ҳисоб-китоб, демакдир.

Бухоро вилояти далаларида ўғитни машинада ёки тракторда эмас, аравада ташиётганларига гувоҳ бўлдик. Кўнглимиздан “Нима, тараққиёт орқага кетяптими?" деган фикр ўтди. Сабабини айтишганда, масала ойдинлашди. Маълум бўлишича, фермер техника хизматидан фойдалангани учун механизаторга харажат чеки ёзиб бериши керак. Ундан кўра ўғитни аравада ташиса, маблағ тежалади — шуниси маъқул. Фарғонанинг Учкўприк туманидаги фермерлар билан суҳбатлашганимизда ҳам, қаерда тежамкорлик режими таъминланса, ўша жойда барака топишаётганини айтишди.

Яшириб нима қиламиз, кўпчиликнинг онгида ҳалиям эскича тасаввурлар, тушунчалар барҳам топмаяпти. Бирор хўжалик ёки фермер фаолияти ҳақида сўз кетадиган бўлса, беихтиёр “Режани бажарганми?" деган саволни қўямиз. Бажарган бўлса — илғор, акс ҳолда — қолоқ. Йўқ. Бундай қарашни ўзгартиришимиз керак. Режани бажариш фоизи, борингки, ҳосилдорлик кўрсаткичи ҳам юқори бўлиши мумкин, ҳисоботнинг даромад бандида зарар кўрилгани акс этса нима дейсиз? Ахир ҳамма ҳаракатларимиз деҳқоннинг косаси оқарса, қозондан чўмичга чиқса оқланмайдими? Президентимиз ҳукуматнинг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида ўз умрини ўтаб бўлган усуллардан тезроқ халос бўлишимиз лозимлигини яна бир бор уқтирдилар.

Ишлаб чиқаришда маҳсулот таннархи деган кўрсаткич бор. Ҳали ерга уруғ қадалмасдан бурун таннархга таъсир этувчи сарф-харажатлар бошланади. Ҳосилни йиғиштирганда ҳам бу юк енгиллашмайди: уни тайёрлов манзилига етказиш пул туради. Таннарх қанча юқори ўрласа, рентабелликнинг пилиги шунча пасаяди.

**Қашқадарё вилояти Касби туманидаги “Комилон” ва “Майманоқ” ширкат хўжаликларининг пахтачилик соҳасидаги иқтисодий кўрсаткичларига назар солайлик:**

| | «Комилон» | «Майманоқ» |
|---|---|---|
| Ҳосилдорлик | 29,3 центнер | 32,5 центнер |
| Шартномавий режанинг бажарилиши | 100,6 фоиз | 115 фоиз |
| Рентабеллик | 48 фоиз | 29,4 фоиз |
| 1 тонна пахта таннархи | 133 минг сўм | 156,4 минг сўм |
| 1 гектар ерга сарфланган харажат | 389 минг сўм | 506 минг сўм |

Бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилидан бири — давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги ўтган давр мобайнида яққол кўринди. Қанчадан-қанча касодга учраган хўжаликлар ҳукумат ғамхўрлигида санация қилинди. Бу тадбирдан кейин ҳам истиқболсиз деб топилган хўжаликларнинг ерлари фермерларга тақсимлаб берилди. Собиқ ширкат хўжалигининг зарарларини ҳам бўйнига олган фермерлар бир-икки йилда соф даромад билан чиқишяпти. Нима ҳисобига? Харажатлар тартибга келтириляпти. Кўзни чирт юмиб бензин, солярка ишлатишга чек қўйиляпти. Илгари ҳар гектар ердан олинган ҳосил чўтга тушса, энди ҳар қарич далага сарфланаётган харажатларнинг қатъий ҳисоби юритилмоқда.

Ер эгасини топса, мурод ҳосил бўлишини биламиз-у, ҳамон фермернинг оёқ-қўлини бўшатиш ҳақида ўйламаймиз. Гап собиқ ширкат хўжалиги ўрнида тузилган фермерлар уюшмаси ҳақида боряпти. Ўзи фермерларнинг бошини бошига қўшиш учун туман миқёсида Уюшма вакиллиги борку, яна уюшма нега керак? Баъзи ҳокимлардан бу ҳақда сўрасангиз, “Фермерлар иш юритишга ўрганиб кетгунларича уюшманинг бўлгани маъқул", дейишади. Гўё гўдакнинг оёғини боғлаб қўйиб, юришга ўргатиш қандай мушкул бўлса, уюшманинг ҳукмронлиги ҳам шундай муаммо бўлиб турибди.

Айтайлик, ғўза ёз чилласида маромидан бир кун кейин сув ичса, қанчадан-қанча ҳосил нишоналари тўкилиб кетади. Ҳолбуки, бултурги мавсумда бир фермер культивация ўтказиш учун уюшма раиси кетидан уч кун югурганига гувоҳ бўлдик. Сув сўраб яна шунча вақт ёлворди. Бунинг нимаси мустақиллик?! Ўша дамларда уюшма раиси сувни ҳам, техникани ҳам аввало ўз даласига сафарбар этса, бечора фермер қаёққа борсин?! Раисларнинг лаббайгўйлигига ўрганган ҳокимлардан сўрагингиз келади: Сизларга натижа керакми ёки бошқа нарса?

Якунланган ҳар бир мавсум фермер учун ҳам, шу далада ишлаган оддий деҳқон учун ҳам катта сабоқ бўлади. Агар биз шу кеча-кундузда ўтган йил давомида амалга оширилган ишларни бирма-бир чўтга солсак, кўп масалалар ойдинлашади. Қайси юмушимиз яхши самара берди — буни ёдда тутайлик. Қай ҳолатларда лабимизни тишлаб қолдик — уни такрорламайлик. Фақат аниқ ҳисоб-китоб билан ишлаган одам таассуф чекмайди.

Гапимизнинг мазмунидан халқ фаровонлигини таъминловчи омил — даромад муҳиму шартнома режаси кейинги даражадаги вазифа деган хулосага борувчилар бўлиши мумкин. Албатта, шартнома бозор иқтисодиётининг энг муҳим дастакларидан бири ҳисобланади. Уни бажариш керак. Лекин қай тарзда? — Ҳамма гап шунда. Нима қилиб бўлмасин, қон ва жон ҳисобига бажарилган режа нимага керак? Яккаш шартнома режасини бажариш кетидан қувиш бугунги кун талабларига тўғри келмайди. Арзон ва сифатли маҳсулот бизга барака булоғини очади. Яратган ҳам тартибли ва ҳалол ишлаганга, пок ният билан сўраганга беради.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ликанинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўтказилган ушбу ўрганишлар давомида тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ кўплаб қонунбузилишлар аниқланди. Ўрганиш натижаси бўйича мавжуд

## ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

вазият чуқур таҳлил этилган ҳолда вилоят ҳокимларига тақдимномалар киритилди.

Ҳайъат мажлисида, адлия идоралари томонидан эришилган натижалар билан биргаликда, айрим соҳаларда ишлар етарли даражада ташкил қилинмаганлиги, жумладан, жойлардаги айрим адлия идоралари масъул ходимлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қатъиятсизликка йўл қўйилаётганлиги танқид қилинди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги шартнома муносабатларини тартибга солишга, ушбу соҳада шартнома интизомини мустаҳкамлашга, шартномалар бажарилиши устидан назоратни кучайтиришга асосий эътибор қаратилди.

Йиғилишда фермер хўжаликлари билан хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларнинг, айниқса фермерларга минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларнинг бажарилишини алоҳида назоратга олиш ва айбдор шахсларга нисбатан энг қатъий чораларни кўриш талаб қилинди.

Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни доимий равишда аниқлаб бориш, муттасил равишда қонунларни бузаётганларга нисбатан муросасиз бўлиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда адлия идоралари олдида турган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

**(ЎзА).**

## Болалар Германияда даволанишади

Сўнгги йилларда кам таъминланган ўнлаб оилаларнинг ногирон болалари ривожланган мамлакатлар шифохоналарида даволаниб она юртларига соғлом бўлиб қайтдилар. Кеча Тошкент халқаро аэропортидан беш нафар бемор бола даволаниш учун Германияга жўнатилди. Айни пайтда мазкур мамлакат шифохоналарида саккиз нафар ўзбекистонлик болалар даволанишни давом эттирмоқдалар.

Бу хайрли тадбирлар Германиянинг “Фриеденздорф Интернейшнл" халқаро ташкилоти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда *“Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси* ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган уч томонлама ҳамкорлик шартномаси натижасидир.

Жамғарма “Меҳр ва мурувват йили"да Германиянинг “Фриеденздорф Интернейшнл"- халқаро ташкилоти ажратган грант ҳисобига 120 нафар бемор болани операция йўли билан даволашни мўлжалламоқда. Мазкур операциялар 1-Тошкент давлат тиббиёт институти билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА.**

## Қаҳрамон билан учрашув

Беруний туманидаги педагогика коллежида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, Тўлепберген Қаипбергенов билан учрашув ўтказилди.

Тўрткўл, Элликқалъа туманларидан келган ижодкорлар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашган бу учрашувда қаҳрамон адиб ўзи босиб ўтган бой ҳаёт йўли, келгусидаги ижодий режалари ҳақида гапириб берди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Хлқ сўзи» мухбири.**

*Ҳамкорлик робиталари*

*Бугунги кунимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Эътироф этиш керакки, қисқа вақт ичида мамлакатимизда ушбу соҳада мақталса арзигулик ютуқлар қўлга киритилди. Буни Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилишида Президентимиз алоҳида таъкидлади. Республикамиз шаҳарларини рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш даражаси 86 фоизга етгани аслида соҳани ривожлантириш бўйича қабул қилинган Фармон, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва ҳукумат дастурларини бажариш борасида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан катта ишлар амалга оширилганидан далолат беради. Келинг, далилларга мурожаат этайлик.*

## Ўзбекистон-Япония: телекоммуникациянинг тараққиёт йўли

1995-2000 йиллар мобайнида тизимни ривожлантириш мақсадида Япониянинг Ташқи иқтисодий ҳамкорлик фонди (OECF) 12,7 миллиард япон иенаси миқдорида имтиёзли кредит ажратган эди. Натижада республиканинг вилоятлари марказларида рақамли каналлар ташкил қилиш учун 1915 километр узунликда оптик толали алоқа кабеллари ётқизилиб, 1028 километрлик радиорелели ва узатиш тармоқлари ишга туширилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм , Бухоро ва Навоий вилоятларида эса 251,5 минг номерга эга рақамли телефон станциялари аҳолига хизмат кўрсата бошлади. 39 та туман ва шаҳарда замонавий маҳаллий телефон алоқа хизматидан фойдаланиш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) ўртасида тузилган кредит келишувига асосан, шунингдек, 1999-2005 йиллар давомида мамлакатимиз телекоммуникация тармоғини ривожлантириш лойиҳасининг 2-босқичини амалга ошириш учун 12,7 миллиард иенаси миқдорида имтиёзли сармоя ажратилган эди.

Агентлик, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ва Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази (РРТМ) корхоналарининг саъй-ҳаракатлари натижасида ушбу кредит ҳисобига 37 000 сиғимга эга бўлган телефон станциялари, иккита халқаро телефон станцияларини ўрнатиш, салкам 2700 километр узунликда оптик толали алоқа кабелларини ётқизиш, 185 та узатиш ва 5 та радиорелели алоқа тизимини ишга тушириш режалаштирилган. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари аҳолиси учун алоқа хизматларини кўрсатиш қийин бўлган ҳудудларни қамраб олган ҳолда симсиз абонент линиялари тизимини татбиқ қилиш ҳамда 63 та телевидение ва 36 та радиоузатгич ўрнатиш кўзда тутилган.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун DETECON/NT+ti маслаҳатчилари ёрдамида халқаро тендер ўтказилди. Унда ўттиздан зиёд хорижий компания ва фирмалар иштирок этди. Тендер асосан тўртта Лот бўйича ташкил қилинган бўлиб, 1-Лот рақамли телефон станцияларини, 2-Лот оптик ва радиоалоқа тизимларини ўрнатиш, оптик толали кабелларни олиб келиш ва уларни ётқизиш ишларини, 3-Лот симсиз абонент линиялари тизимини татбиқ қилиш ва ниҳоят, 4-Лот телевидение ва радиоузатгичларни ўрнатишни ўз ичига олади.

Танловнинг 1-, 2- ва 4-Лотлари бўйича «Мицуи» компанияси ва унинг пудратчилари — «НЕК» (Япония), «Фужикура» (Япония), «Хуавей» (Хитой), «Харрис» (АҚШ) компаниялари, 3-Лот бўйича «Марубени» (Япония) компанияси ва унинг пудратчиси — «Люцент техноложи» (АҚШ) компанияси ғолиб бўлди. Улар тегишли шартномалар асосида амалий ишларни бошлаб юбордилар.

Ҳозирги кунга келиб, лойиҳа бўйича сармоянинг 30 фоизи ёки 38 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилди. 2004 йилда эса агентлик томонидан яна 46,8 млн. АҚШ долларилик иш бажарилди.

Қурилмалар ишлаб чиқарилаётган хорижий компания заводларида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ва РТТМ мутахассислари уларни текшириш ва қабул қилиш ишларини якунладилар.

1-Лот бўйича ЎзААА ва «Ўзбектелеком» АКнинг 15 нафар мутахассиси «Хуавей» компаниясининг Хитойдаги заводида телефон станциялари бўйича ўтказилган ўқувда ўз малакаларини ошириб қайтди. Айни пайтда улар олган билимлар қурилиш-монтаж ишларида қўл келмоқда.

Ҳозирда «Ўзбектелеком» АК томонидан Фарғона вилоятида ўрнатиладиган шаҳарлараро телефон станцияси, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида ўрнатиладиган янги рақамли телефон станциялари хоналари таъмирланиб, монтаж ишларини бажаришга шайлаб қўйилди. Қурилмаларни станцияларга етказиб ўрнатиш ишлари ҳам бошланмоқда.

2-Лот бўйича «Ўзбектелеком» АКнинг 28 нафар мутахассиси «Мицуи» («НЭК») компанияси томонидан Япония ва Бельгия заводларида ташкил қилинган ўқувда ўз малакаларини ошириб келди. «Мицуи» («НЕК», «Фужикура») томонидан Тошкентда ташкил қилинган ўқувда эса «Ўзбектелеком» АКнинг 30 нафар мутахассиси оптик толали алоқа кабелларини монтаж қилиш бўйича сертификат олди.

«НЕК» компаниясидаги шериклари билан бирга «Ўзбектелеком» АК мутахассислари Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Андижон вилоятларида узатиш тизимларида монтаж ишларини тугатишди. Эндиликда улар Тошкент вилоятида монтаж ишларини олиб бормоқдалар.

Оптик толали алоқа кабеллари бўйича қурилишни «Салин» ва «Алоқаинвест» акциядорлик жамиятлари жамоалари амалга оширишяпти. Ўтган даврда улар томонидан 1.300 километрдан ортиқ толали алоқа кабеллари ётқизилди. Жорий йилнинг охиригача бу кўрсаткич 2700 километрни ташкил этиши кутилмоқда.

3-Лот бўйича «Марубени» компанияси билан тузилган шартнома 2004 йил 22 январдан бошлаб кучга кирди. Айни чоғда «CDMA-450» технологиясига асосланган замонавий симсиз абонент линиялари қурилмаларини ўрнатиш, жойларни текшириш ва қурилмаларни етказиш борасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз Мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида алоқа хизматларини кўрсатиш қийин ҳудудларни қамраган ҳолда тўртта вилоят аҳолиси учун замонавий симсиз абонент линиялари тизимини ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

4-Лот бўйича РРТМнинг 14 нафар мутахассиси телевидение узатгичлар бўйича Япониянинг «НЕК» компанияси заводида ўз малакаларини оширди. Тез орада 12 нафар мутахассис Американинг «Харрис» компанияси заводида радиоузатгичлар бўйича тажриба алмашади.

РРТМ ва «НЕК» компанияси мутахассислари жорий йилнинг охиригача келтирилган барча телевидение узатгичларини 5 та вилоятда ишга туширишга аҳд қилишган.

Лойиҳа ишларини бажариш, бир қатор объектларда янги тизимларни ишга тушириш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

2004 йил 21 январда Қарши шаҳрида шаҳарлараро телефон станциясини, Бухоро шаҳрида эса телевидение узатгичларининг тақдимот маросими ўтказилди. Тақдимотда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, вилоятлар ҳокимликлари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган хорижий фирма ва компанияларнинг вакиллари иштирок этди.

Япония халқаро ҳамкорлик банки томонидан молиялаштирилаётган Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини ривожлантириш лойиҳасининг 2-босқичи ишлари 2005 йил бошларида ниҳоясига етказилади.

**А. ИЗБОСАРОВ,**
**Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари, JBIC лойиҳаси директори.**

## ТАЪЛИМ янгиликлари

### Грант имзоланди

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Н.ЎЛЖАБОЕВ). Пойтахтимиздаги халқаро бизнес-марказида Япония ҳукуматининг кичик ҳажмли ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида навбатдаги шартномавий грант имзоланди.***

Маросимда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Р.Жўраев ҳамда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато икки мамлакат ўртасида ижтимоий соҳани ривожлантириш борасидаги ҳамкорлик самарали кечаётганини таъкидлашди.

Умумий қиймати 193 минг 128 АҚШ долларига тенг мазкур грант Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 36-сонли ва Тўрақўрғон туманидаги 16-сонли ўрта мактабларни ҳамда Наманган шаҳридаги 26-меҳрибонлик уйини таъмирлаш ва замонавий анжомлар билан жиҳозлашга сарфланади. Шунингдек, ушбу маблағдан Янгиқўрғон туманидаги “Лола" аёллар ва ёшлар марказидаги инфратузилмани яхшилашда фойдаланиш ҳам режалаштирилган.

### Ҳамма «Нилуфар»га ошиқмоқда

***Фарғона Давлат университети қошида беш йилдан бери фаолият кўрсатаётган «Нилуфар» студияси янги йилдан янги дастур билан ўз фаолиятини бошлади.***

Талабаларнинг севимли маслаҳатчиси бўлган, айни пайтда кўнгилочар тадбирлар, фестиваллар, танловлар ўтказиладиган бу маскан доимо гавжум. Аксари талабалар машғулотлардан бўшади дегунча шу ерга ошиқадиган бўлиб қолишди.



Университет ректорати студиянинг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида асосий бинодан алоҳида хона ажратиб берди, тадбирлар ўтказиладиган зал эса қайтадан жиҳозланди. Ҳозир студия қошида миллий рақс, қўшиқчилик, актёрлик, қўғирчоқбозлик, сўз устаси тўгараклари ишлаб турибди.

Студия аъзолари вилоят, мамлакат миқёсидаги тадбирларда ҳам фаол иштирок этишяпти. Ўтган йили «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар фестивалининг республика босқичида рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлинган бўлса, «Хазина-2003» танловида эса «Ҳашар» — театрлаштирилган композицияси учун фахрли биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тажриба оммалашади

***Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи — сифат босқичи амалда қандай бажарилаяпти? Жойларда 9-синфни битирган ўқувчиларни касбга йўналтириш муаммолари қай даражада ҳал этилаяпти?***

Самарқанд Маиший хизмат касб-ҳунар коллежида «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришни самарали йўлга қўйиш ва тажрибаларни оммалаштириш» мавзусида ўтказилган республика ҳудудий семинарида шу каби саволларга жавоб изланди.



Унда Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари вакиллари, вилоят, туман ташхис марказлари раҳбарлари, вилоятлардаги малака ошириш институтлари проректорлари иштирок этишди.

Семинар иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги бир неча коллеж ва мактабда бўлишиб, ўқитиш жараёнлари билан яқиндан танишдилар ҳамда ўзаро тажриба алмашдилар.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Британия: ёшларнинг ярми университетларга

***Бу йил Бирлашган Қироллликдаги университетларга 371 минг нафар талаба қабул қилинади. Бу ўтган йилдагига қараганда 1,3 фоиз кўп бўлиб, кейинги икки йилда биринчи курсга қабул қилинадиган талабалар сони 4,3 фоизга ортган.***

Ҳукумат бутун британиялик ёшларнинг ярмини университетларга жалб этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бунинг учун жорий йилда университетларда 10 минг талабага мўлжалланган тайёрлов курслари ташкил этилди.

Ҳозирда дизайн, информатика, менежмент, ҳуқуқшунослик ва психология мутахассисликларига қизиқиш кучли. Инглиз тили ва тарих фанларига ҳам интилиш юқори бўлган ҳолда, физика, биология ва кимё мутахассисликларига қизиқиш нисбатан суст.



*Китобдан яхши дўст йўқ жаҳонда.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат-лавҳа.**

## Ҳарбийлар ҳузурида

**Семинар**

Куни кеча Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан оммавий ахборот воситаларида ҳарбий мавзуда қалам тебратаётган ходимлар Чирчиқ шаҳрида бўлдилар. Мақсад, аскарлар ҳаёти билан яқиндан танишиш. Бир кунга мўлжалланган ушбу сафар, дастлаб Чирчиқ олий танк қўмондон муҳандислик билим юртидан бошланди. Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник М. Аҳмедов Қуролли Кучлар тизимидаги янгиланишлар, ҳукуматимизнинг ҳарбий соҳа ходимларига кўрсатаётган ғамхўрлиги ҳақида гапирди.

Машқ жойларида курсантлар билан савол-жавоб, ўқ отиш майдончасида милтиқдан фойдаланиш, тушлик чоғида аскарларнинг овқатидан тановул қилиш барчамизда катта таассурот қолдирди.

Сержантлар тайёрлаш мактабидаги компьютерлаштирилган хоналар, тайёрланган ашёлар машғулотларнинг бекаму-кўст ўтишини таъминлаши аниқ. Мактаб бошлиғи, полковник Назиржон Саидовнинг айтишича, республикамиздаги мавжуд тўртта Сержантлар тайёрлаш мактабидан фақат шу ерда қизлар ҳам ҳарбий сабоқ олишаркан.

Ҳарбийларимиз ҳаёти билан қисқача танишувдан катта таассуротлар билан қайтарканмиз, бундай шарт-шароит, забардаст йигитлар профессионал армияга эришиш хусусидаги ҳаракатлар амалда исботланаётганлигига яна бир бор амин бўлдик...

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Она тилим — қалбим гавҳари

***Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг "она тилим" мақоласи ("Халқ сўзи" газетаси, 2003 йил, 21 октябрь) ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 14 йиллиги муносабати билан ёзилган. Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни чиққандан буён она тилимиз тўғрисида бундай кенг қамровли ва залворли, чуқур мулоҳазали синчковлик билан ёзилган мақола чоп этилмаган эди. Мақола халқона услубда чўнг билимдонлик билан ёзилган, унинг мантиқ кучи ва таъсир қудрати, мавзу ва муаммолари ҳамда уларнинг ечим йўллари катта илмий рисолаларда айтиладиган хулосаларга тенг келади.***

Унда она тилига муносабат, уни ўрганиш, умуман, тил таълими, тил одоби (маданияти) муаммолари "Давлат тили ҳақида"ги қонун талаблари даражасида ўз ечимини топа олмаётганлиги алоҳида таъкидланган.

Э.Воҳидов жамоатчилик фикрини она тилимиз истиқболини кўзлаб, келажакда ривожланган халқаро тиллар қаторида бўлиш имкониятларига эга эканлигини сезиб, унинг лингвистик ва экстралингвистик тараққиёт қонунларини, лексик бойлиги (дуру гавҳарлари), миллий талаффуз оҳанглари, ўзбекона гўзал лутф (нутқ одоби: сўз қўллаш, жумла тузиш, хушхулқлик, мулойим муомала меъёрлари)ни пухта ўрганишга жалб қилган. Она тили ҳақида қайғуриш — миллат ҳақида қайғуриш демакдир. Бинобарин, шоир ўз фикр-мулоҳазаларини чуқур миллатсеварлик, улкан юртпарварлик ва фидокорлик туйғуси билан баён қилган.

Мақолада катта куюнчаклик билан илгари сурилган муаммолардан бири қонун амалиёти, давлат тилини чуқур ва мукаммал ўрганиш ҳамда кенг кўламда тарғиб қилиш масаласидир.

Она тилимиз Давлат тили мақомини олгач, ўз истиқбол йўли — ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб олди, "улуғ ва қудратли тил", "иккинчи она тили" таъсири ва тазйиқидан қутулди. Ўзбек тили Ўзбекистонда яшовчи 100 дан ортиқ миллат ва элатлар учун миллатлараро тил бўлиб қолди, ўз қаддини тиклаб, уй-рўзғор тили қобиғидан чиқиб, таълим тилига, ОАВ тилига, мажлислар, семинарлар, илмий анжуманлар тилига айланди, давлат тилида иш юритиш дастури ва қўлланмаси ишлаб чиқилди. Бундай имконият ва шароитлар, ҳуқуқ ва кафолатлар туфайли қонун амалиёти ва давлат тили тарғиботи кенг авж олди, ҳар йили 21 октябрь "Тил байрами" куни сифатида нишонланадиган бўлди, тил байрами эл байрамига айланди.

Бироқ давлат тили тарғиботи ва уни ўрганиш борасида жиддий нуқсонлар ва жузъий кемтиклар ҳам мавжуд. Газета ва журналлар саҳифасидан ўрин олган ***"Ўзбек тилини ўрганамиз", "Тил сандиғи"; "Тилга эътибор..."*** **рукнлари, *"Алифбо сабоқлари"*** каби телекўрсатувларнинг эътиборсизлик билан дастур-режалардан тушиб қолгани кишини таажжубга солади.

"Алифбо сабоқлари" телекўрсатувининг ташкил этилганига эса 15 йил бўляпти. Дастлаб давлат тили ҳақида қонун чиқиши муносабати билан "Алифбо сабоқлари" эски ўзбек ёзуви алифбосини ўрганишдан бошланди. Эсимда, биринчилардан бўлиб профессор А. Алиев эски ўзбек ёзувидан "Алифбо сабоқлари"ни Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтида бошлаган эди. Телевидениеда эса бу вазифани ижодкор ёшларимиздан Р.Жуманиёзов билан педагог-журналист Т.Ғаниева бажарди. Ҳар бир кўрсатув ўз мавзуси, мазмун-мундарижаси ва мантиғи билан мустақил бир дарс вазифасини ўтади, омма ҳаётига чуқур ва кенг кириб борди.

Қиссадан ҳисса шулки, "Алифбо сабоқлари" телекўрсатуви тикланиб, кечки кўрсатувлар дастурига киритилса, кўрсатув ижодкорлари таркиби кенгайтирилиб, телевидение қошида малака ошириш ўқув маркази (мактаби) ташкил этилса. Марказда адабий тил меъёрлари, сўз қўллаш мезонлари, миллий талаффуз қоидалари каби муаммолар муҳокама қилинса, ёш журналистлар ва сухандонларга кўп жиҳатдан фойдали бўлур эди.

Давлат тили, унинг бойликлари ва имкониятлари, ифода усуллари ва тасвир воситаларини кўрсатиш ва тарғиб қилишда ОАВга тенг келадиган восита бўлмаса керак. Ўзбекистон телевидениесида кундалик дастурда тўрт телеканал мунтазам ишлаб турибди. Дастурларда тилимиздан турли баҳоналар ва тамғалар билан суриб чиқарилган, аммо халқ бисотида сақланиб қолган ***оҳанграбо, қомус, таҳлил, мулкдор, зиё, иқлим, фарз, савоб, жараён, режа, мўъжиза (мўъжиза майдони), лавҳа, ўсмир*** каби минглаб сўзлар ўз муқим ўрнини эгаллаб, кундалик муомалада фаол қўлланилмоқда. Шунингдек ***"Қуёшли юрт оҳанглари", "Нурли манзиллар", "Минг бир маслаҳат", "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида", "Гап чиқди", "Мунаввар тонг", "Беш бармоқ", "Бир кулишайлик", "Қилни қирқ ёриб"*** каби сўз ва калималар, Э.Воҳидов алоҳида таъкидлаганидек, она тилимиз нафосат ва гўзалликка, тасвир ва тавсифга, маъно ва мантиққа, ифода ва мазмунга қанчалик бой эканлигини кўрсатади.

"Она тилим" мақоласида ўзбек тилининг қанчалар сермаъно ва сержило эканлиги алоҳида таъкидланган. Қуйидаги бир жумлага газетхонлар диққатини жалб қилмоқчиман: ***"Ҳурматли йўловчилар! Ёш болали, ногирон ва ёши катта йўловчиларга жой беринг!"*** Бу ўзбекона лутф метронинг "Пахтакор" бекатида баралла жаранглайди, яқин-яқиндан бери яна икки-уч бекатда айтиладиган бўлди.

Юқоридаги гўзал лутфда халқимизнинг миллий маънавияти, тарихий қадрияти, урф-одати, маърифати, анъанаси ўз ифодасини топган: кичик хизматда — катта иззатда! *Сўз тузалса — эл тузалади! Маърифатли эл — бахтли эл!* Кўринадики, юқоридаги лутфларда улкан миллий маънавиятнинг залворли таъсир кучи бор. Миллий маънавият ва қадриятнинг ажойиб намунаси саналмиш бундай лутфлар метронинг ҳар бир бекатида, шунингдек, трамвай, троллейбус ва автобус бекатларида ҳам таъкидланса, нур устига аъло нур бўларди.

Афсуски, шаҳар йўловчи автоуловларида (троллейбус, трамвай, автобус, такси каби) маданий хизмат ва халқона мулоқотнинг миллий муомала одобларига жуда кам эътибор берилади. Лоақал ҳайдовчилар, паттачилар (чиптачилар) ўз йўналишларидаги бекатлар номини билиб олишса ва уларни ўзбек тилида эълон қилиб туришса "Давлат тили ҳақида"ги қонун тарғиботи ва унинг амалиёти ҳаётимизга янада кенг ва чуқур кириб борган бўларди.

Мустақиллик шарофати ва она тилимизга давлат тили мақоми берилиши муносабати билан унутилган ва унутилаёзган, шунингдек, русчалаштирилган минг-минглаб жой номлари ўз тарихий-миллий атамасига эга бўлди. Булар умумхалқ бойлиги, тилимиз гавҳарлари, маданиятимиз дурдоналари, битмас-туганмас хазина-олий неъмат саналади. Буларни кенг оммага етказиш, тарғиб қилиш, янги тушунча ва атамаларни тилимизга киритиш умуммиллий жонкуярликни талаб этади.

**Карим НАЗАРОВ,**
**ТДЮИ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, профессор.**

## Наманганда «Маънавият кунлари»

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази вилоятларда «Маънавият кунлари»ни ўтказмоқда. Бундай анжуманларга республикадаги таниқли сиёсатшунос, файласуф, тарихчи олимлар, шоир ва санъаткорлар, маънавият фидойилари жалб этилмоқда.

Наманган вилоятида бўлиб ўтган «Маънавият кунлари»да «Наманганвино» акционерлик жамияти, вилоят «Иссиқлик манбаи» бошқармаси, «Наманган-текстиль», «Нотўқимачи», Уйчи йигирув-тикув акционерлик жамияти ишчи-ходимлари иштирок этдилар. Айниқса, Наманган давлат университети, Муҳандислик иқтисодиёт институти, Педагогика коллежи талабалари билан ўтказилган учрашувлар мароқли ўтди.

Ўзбекистон халқ артисти Ҳусан Шариповнинг чиқиши, халқ шоири Ҳабиб Саъдулла, Зиёвуддин Мансуровларнинг Ватан, истиқлол, тинч турмуш ва осойишта ҳаётни улуғловчи шеърлари кўпчиликка манзур бўлди.

**Шуҳрат НАСИМОВ,**
**республика «Маънавият ва маърифат» маркази етакчи мутахассиси.**

**UZBEKISTAN SENIOR SECONDARY EDUCATION PROJECT**
**ADB LOAN 1737-UZB**

**RECRUITMENT OF ADDITIONAL LOCAL EXPERTS**

**The Asian Development Bank (ADB) Senior Secondary Education Project is a four-year project, which began in February 2001 and ends in January 2005. Its main objective is to enhance the provision of education for senior secondary students, under the National Programme for Personnel Training (NPPT) and provide them with the skills they need for a developing market economy. The Project works with 42 professional colleges and 3 academic lyceums throughout Uzbekistan. It is based in the Centre for Secondary Specialized and Vocational Education (CSSVE), Ministry of Higher and Senior Secondary Education, and is administered by a Project Implementation Unit (PIU).**

The Project now wishes to recruit a number of local experts:

- Teacher Development Expert
- Procurement and Equipment Specialist
- Project Impact Specialist
- Strategic Development Activities Local Focal Point.

The persons appointed will be employed by Cambridge Education Consultants (UK) and work as part of a team of international and local experts and in liaison with PIU and counterparts from CSSVE departments, Project colleges and lyceums and office staff. The posts may involve travel outside Tashkent.

**The basic requirements for all posts are:**

- Knowledge of the Senior Secondary Vocational Education (SSVE) system and the objectives of the NPPT
- Ability to communicate orally and in writing in English, Russian and Uzbek.
- Strong motivation and commitment
- Experience of working in an international organization or project would be an asset.

**The specific requirements for each post are as follows:**

**Teacher Development Expert (11 person months maximum)**

- Higher education diploma
- Experience of teacher training and curriculum development in the SSVE sector
- Understanding of the aims of the NPPT
- Information technology skills.

**Procurement and Equipment Specialist (11 person months maximum)**

- Higher education diploma
- Knowledge and understanding of international procurement, preferably equipment procurement, including an understanding of the legislative/office systems of Uzbekistan
- Information Technology skills, with a working knowledge of at least Microsoft, including Word and Excel.

**Project Impact Specialist (4 person months maximum)**

- Higher education diploma
- Experience of developing and using evaluation tools to measure the impact of educational activities, ideally in the SSVE sector
- Information Technology skills, with a working knowledge of databases and information systems.

**Strategic Development Activities Local Focal Point (8 person months maximum).**

- Higher education diploma
- Understanding of the aims of the NPPT and some knowledge of the activities of major donors and non-government organizations in the SSVE sector
- Information technology skills
- Good organizational, report writing and administrative skills.

**Please apply in English, with a supporting letter indicating which position you are applying for and why you think you are suitable for this post, enclosing your CV, evidence of your academic and qualifications, English language proficiency, Information Technology skills and the names of at least two referees, to:**

**David Royle, International Team Leader, Senior Secondary Education Project, 14th Floor, 5 Mustakillik Square, Tashkent 700078 Tel: 139-1185 or 139-1583;**
**Fax: 139-1185. E-mail: david@ssep.uz**

**The closing date for applications is 27 February 2004. Only candidates selected for interview will be contacted. Emailed or faxed applications are acceptable.**

*2004 йил — Меҳр ва мурувват йили*

*Қўқонда қишнинг узун кечаларида гап-гаштаклар уюштириш азалдан одат тусига кириб қолган. Агар дўстона машваратларда бирор-бир ўзига тўқ киши истиқомат қиладиган маҳаллада камбағал ёки муҳтож одам борлиги эл оғзига тушиб қолса, ўша бою баён кейинчалик даврага сиғмай қолар экан. Чунки маҳалласида камбағал қўшниси бор киши саховатли инсонлар қаторига қўшилмас экан.*



# Оқибатли одамлар

## бор жойда, азалий қадриятлар қарор топади, мурувватнинг адоғи бўлмайди

Яқинда шаҳарнинг ўзига тўқ оилалари хайрли ташаббус билан чиқишди. Уларнинг бу ташаббусини шаҳар ҳокими Абдуҳаким Хўжаев дарҳол илғаб олди. Меҳр-мурувватга муҳтож кишиларга мадад, кўнгли ўксиклар ҳолидан хабар олиш, етим-есирлар, боқувчисини йўқотганларни қўллаб-қувватлашдан иборат эмаслиги ҳоким ҳузуридаги кенгашда алоҳида таъкидланди. Вилоятдаги аксарият меҳрибонлик уйлари, ногиронлар касалхоналари айнан шу шаҳарда жамланган. Шаҳардаги кўплаб корхоналар, ташкилотлар, ишлаб чиқариш жамоаларининг раҳбарлари биргаликда аҳволни ўрганиш учун ёрдамга муҳтож кишилар ҳузурига йўл олишди.

**БИРИНЧИ МАНЗАРА**

17-Меҳрибонлик уйи бундан 80 йил аввал ташкил қилинган. 30 йил аввал эса у ҳозирги, аслида болалар боғчаси учун мўлжалланган бинога кўчирилган. Бундай биноларда болалар яшайдиган, дам оладиган хоналарда тегишли шарт-шароит йўқ. Бу ерда юзга яқин болажонлар истиқомат қилишади.

Меҳрибонлик уйидаги шароит билан танишган шаҳарнинг тадбиркорлари, сўзсиз бу ердаги муҳитни, ҳаёт тарзини ўзгартириш керак, деган тўхтамга келишди. Бир ҳафта ўтмай кўпгина жамоалар ўзларининг аниқ тадбирлари, режаларини тақдим этишди.

Шаҳардаги ташаббускор 20 та жамоага икки қаватли бинонинг хоналари, спорт заллари, майдончалари, бинонинг ҳовлиси, равон қисми бўлиб берилди.

— Ҳомийларимиздан биринчи галда уйдагидек шароит яратишни сўралди. Фикр барчага маъқул келди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меъмор Аҳмаджон Аҳмедов етакчилик қилаётган «Ал-меъмор» хусусий жамоаси таъмирлаш лойиҳа-ҳужжатларини тайёрлаб, бинонинг олд қисмига ойнаванд ромлар қоплашди, тиббиёт хонаси, кир ювиш, ёрдамчи хўжалик, иссиқхона биноларини таъмирдан чиқаришди.

Спорт залини замонавий талаблар асосида жиҳозлашни 10-автосарой жамоаси зиммасига олди. Транспортчилар бирйўла спорт гимнастикаси хонасини ҳам таъмирдан чиқариб беришди.

Меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар ёшига, жинсига қараб гуруҳларга бўлинган. «Қўқонспирт» корхонаси, «Отайўл», «Қишлоқхўжаликтаъминоти», «Мастона» ҳиссадорлик жамиятлари таъмирлаган хоналар кўзни олади.

«Фарғона темир йўли» Кўкаламзорлаштириш идораси, «Ўзнур» корхоналари Меҳрибонлик уйининг эски ҳаммомларини, омборхоналарини, ёрдамчи биноларни тартибга келтиришди. Муассасанинг мўъжазгина ҳовлиси бугунги кунда истироҳат боғини эслатади. Бу ерга 20 та ёритгич ўрнатилган. Педагогика институти эса 20 га яқин йирик «Тасвирий ойина» усулидаги кўргазмаларни тайёрлаб берди. Ҳозиргача таъмирлаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига 80 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Муассаса раҳбари Дилдора Тоғаева алоҳида таъкидлаганидек, бутун эътибор, ҳаракат бу ерда тарбияланувчиларнинг шароитини хонадон шароитига яқинлаштиришга қаратилган. Илгари билим бериш, таълим-тарбия ишлари ҳам шу ерда амалга ошириларди. Энди эса 63 та мактаб ёшидаги болалар 18-мактабга қатнашади. Уларнинг дарс сумкаларига мева, апельсин, ҳар-хил ширинликлар солиб қўйилади. Мактабдан қайтишлари биланоқ меҳрибон тарбиячилар кутиб олиб, ардоқлашади.

Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларнинг бўш вақтини мактабдан ташқари машғулотларга жалб қилиш дастури ишлаб чиқилган. 6 хил тўгарак мунтазам ишлаб турибди. Айниқса, болалар спорти, тикувчилик, театр қўғирчоқбозлиги тўгаракларига жон-диллари билан қатнашишади. Муассасанинг «Президент ғунчалари» деб номланган дастаси ўтган йили Бухорода Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган танловда 1-ўринга сазовор бўлди.

Бош ҳомий — вилоят халқ таълими бошқармаси ҳам бу ердаги ишлардан четда қолаётгани йўқ. Бевосита бошқарма кўмагида 100 дона замонавий ёғоч каравот, 125 дона стол-стул, 50 дона ошхона стули, 25 комплект жавон харид қилиб берилди. Юртимизнинг энг севимли байрами — Наврўзи ажам кунларида бу ердаги таъмирлаш ишлари тўла тугалланиб, тарбияланувчилар ихтиёрига топширилади.

**ИККИНЧИ МАНЗАРА**

Қўқонлик ҳимматпарварлар фақатгина меҳрибонлик, мурувват уйларига кўмак бериш билан чегараланиб қолишмаяпти. Улар шаҳардаги мактабларни ҳам таъмирлаш, ўқув қуроллари, дарсликлар билан таъминлаш борасида ибратли ишларни амалга ошираяптилар. Шаҳардаги «Автосанкомплект» корхонасига Бахтиёржон Абдураимов раҳбарлик қилади. Бу уюшма 26-умумтаълим мактабининг иситиш тизими, томларини таъмирлаб берди. Шу аснода ҳомийлар ўқувчилардан дарсликлар етишмаслиги ҳақидаги гапларни эшитиб, корхона фойдасидан мактаб учун 1,5 миллион сўмлик дарсликлар, ўқув қуроллари, кўргазмали қуроллар олиб беришди.



Ғишткўприк мавзесида жойлашган 6-умумтаълим мактабининг собиқ ўқувчилари бир куни жамланиб, мактабни ўз ҳисобларидан тўла таъмирлаб беришни зиммаларига олишди. «Фарғонайўлқурилиш» бошқармаси бошлиғи Баҳромжон Усмонов мактаб атрофини бетон деворлар билан ўраб, тупроқ ҳовлини тўла асфальтлаб берди. «Фарғонатемирйўллар» бошқармаси бошлиғи Мирмуҳсин Мирҳамзаев эса мактабнинг томини шифер билан ёпиш ишларини зиммасига олди. Қўқон суперфосфат корхонаси 13-умумтаълим мактабини таъмирлаш учун 4 миллион маблағ сарфлаган бўлса, Урганчбоғ маҳалласидаги 41-ўрта мактабни тўла таъмирлаш, иссиқлик манбаини созлаш учун маҳалладагилар 14 миллион сўм маблағ сарфлашди.

Бу каби меҳр-мурувватни, бағрикенгликни бугун Қўқоннинг 60 дан зиёд маҳалла ва ўрамларида ҳам учратиш мумкин. Афғонбоғ маҳалла қўмитаси фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайловда оқсоқолликка биргина номзод кўрсатилди. Бу маҳаллада муносиб кишилар йўқлигидан эмас, балки оқсоқол Бахромжон Мамажоновга рақобатчи бўлишга маҳалланинг 4 мингдан зиёд аҳолисидан биронтаси ҳам ботинолмади. Чунки оқсоқол, биринчи навбатда, маҳалла ўрамидаги ногиронлар, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг муаммолари, ташвишлари билан яшайди. Болаликдан ногирон Зуҳрахон Тошпўлатова, Турсуной Маҳкамова, Муножот Турсуноваларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшашлари, турмуш кечиришларига маҳалла оқсоқолининг ўзига хос фидойилиги, беназир меҳр-мурувватлилиги сабаб. Шу маҳаллада истиқомат қилувчи Абдужалил ҳожи Абдураҳмонов ўз маблағи ҳисобига 300 метр чуқурликда қудуқ кавлатиб, зилол сув чиқариб берди. У киши бу хайр-эҳсонни маҳалласи учун қилганлигини, бу борада унинг номини зинҳор тилга олмасликни илтимос қилган эди. Лекин салкам 4 миллион сўм маблағни меҳр-мурувват учун сарфлаган инсонлар номини қандай тилга олмай бўлади?!

Зеро, Қўқон шаҳрида сўнгги йилларда меҳр-мурувватлилар, оқибатли, бағрикенг инсонлар тобора ўзини кўпроқ намоён этмоқда.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тошкент давлат юридик институти жамоаси юридик фанлар доктори, профессор **Абдулазиз Муҳамедович ОХУНЖОНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

*Уч-тўрт кун бурун вилоятдан қўнғироқ бўлди. Тоғамнинг қаттиқ тоби қочиб қолибди. Аксига олиб, ўғли Тошкентда хизмат сафарида эди. Телефон қилган одам уни топиб тезда уйига жўнатишимни тайинлади. Тоғамнинг ўғлини меҳмонхонадан топиб, уни кузатиб қўйиш учун «Отчопар»га йўл олди.*

# ЭГАСИЗ АВТОБУСЛАР

## ёҳуд ҳувуллаб ётган автовокзалу «Отчопар»даги қўлбола бекатлар хусусида



Бозор барибир бозорда. "Отчопар" четидаги автобуслар тўхтайдиган жой ҳам гўё бозорни эслатади. Қоронғу тушиб қолганига қарамай, атроф гавжум. Кимдир бақирган, кимдир чақирган. Четроқда овқат сотиб ўтирган аёллар сомсаси-ю ҳасипини мақтайди. Ҳайдовчилар ўртасида ҳам йўловчи учун кураш авж олган. Бир ҳайдовчи машинаси "Мерс" эканлиги билан мақтанса, иккинчиси арзон нархда манзилга элтиб қўйишини, учинчиси эса иссиққина автобусда маза қилиб ухлаб кетишингизни айтади. Хуллас, ҳамма ўзининг молини мақташ, кўрсатиш билан овора.

Рақобат бўлгани учун бу ерда йўл пули бир оз арзон. Шундан бўлса керак, кўпчилик манзилига шу ердан кетишни афзал билишади. Тоғамнинг ўғлини кузатиб уйга қайтар эканман, трамвай "Тошкент" автовокзали олдидан ўтди. Соат ҳали етти бўлмай, ҳайҳотдек бино аллақачон бўшаб қолган. Йўлакларда беш-олтита автобус турибди, холос. Йўлдан ўта туриб хаёлимга, нега "Отчопар"даги ёки метро бекати ёнидаги хусусий автобусларни ҳам манзилга шу ердан жўнатишни ташкил қилиш мумкин эмас, деган фикр келди.

Тўғри, "Отчопар"дан, метронинг Собир Раҳимов бекатидан ва яна бир қанча манзиллардан мамлакатимизнинг турли шаҳарларига қатновчи бу автобуслар давлатга қарашли эмас. Шунинг учун улар баъзан ошкора, баъзан яширинча ҳаракат қилади. Лекин бу автоуловларнинг йўловчиларни эсон-омон манзилигача етказиб боришига кафолат йўқ. Сабаби ҳайдовчи йўлга чиқишдан олдин тиббий кўрикдан ўтмайди, транспорт воситасининг техник ҳолати ҳам мунтазам текшириб борилмайди. Ҳайдовчи қанча узоқ манзилдан чарчаб келган эса-да, йўловчи етарли бўлса дам олмасдан яна йўлга чиқиб кетаверади. Чунки уни ҳеч ким назорат қилмайди.

— Автобуслар ўртасида рақобат катта бўлганлигидан ҳайдовчилар йўловчиларни жалб этиш учун ҳар қандай ишни, ҳатто пасткашлик қилишга, ёлғон гапиришга ҳам тайёр, — дейди бир йўловчи. – Улар хурмача қилиқларини йўлга чиққандан сўнг бошлашади. Яқинда худди шундай бўлди. Автобусга чиққунимизга қадар ҳайдовчи машинасини роса мақтади. Мен атайин печкаси қандай ишлашини суриштиргандим, иссиқдан нафас ололмай қолишимни айтди. Хуллас, қайдасан Бухоро, дея йўлга тушдик. Янгийўлга етдик ҳамки автобуснинг ичи исимайди. Йўловчилар орасида болалар, қариялар, аёллар бор эди. Улар совқата бошлади. Шунда мен ҳайдовчига айтган гапини эслатдим. Унинг бўлса парвойи палак. Ёқмаса тушиб кетаверинг, дейди. Соат кечаси ўндан ошган, бунинг устига йўлда кетаяпмиз. Тушиб қаергаям борасан. Ҳайдовчи шуни билиб, атайин баланд келаяпти.

Йўловчиларнинг гапига қараганда, бундай воқеалар деярли барча автобусларда, ҳар куни бўлиб туради. Хўш, бу ҳолатда йўловчи нима қила олади? Ҳеч нарса. Ҳайдовчининг устидан кимга шикоят қилиш мумкин? Ҳеч кимга. Чунки автобус хусусий. Ҳайдовчи ҳеч кимнинг олдида жавобгар эмас. Жавобгарликнинг йўқлиги эса хизмат маданиятининг пасайишига олиб келмоқда.

Газеталарда у ёки бу йўналишлар бўйича тендер ўтказилгани ҳақидаги хабарларга кўзимиз тушиб қолади. Шу тендерларда фақат давлат корхоналарига қарашли автобуслар эмас, хусусий автобуслар ҳам иштирок этади. Бугун "Тошкент" бош бекатидан мамлакатимизнинг турли шаҳарларига қатнаётган автобуслар орасида хусусийлари ҳам анчагина. Бозорлар ва метро бекатлари устидан кетаётган автоуловларни ҳам автобекатлардан жўнатишни йўлга қўядиган вақт етмадимикан?

Бунинг учун яна тендер ўтказиш зарур бўлади, албатта. Ким тендерда қайси йўналишни ютса, белгиланган жадвал бўйича ўша шаҳарга мунтазам қатнайди. Ҳар бир автобус учун алоҳида ҳисоб рақами очилади. Қоида бўйича билетлар сотилади. Бундан тушган пул эса ўша автобус ҳайдовчиси ҳисоб рақамига ўтказилади. Автобекатлар кўрсатган хизмати, яъни автобусларга жой бергани, ҳайдовчини меҳмонхона билан таъминлагани, уни тиббий кўрикдан ўтказгани, машиналарни техник кўрикдан ўтказгани учун ҳақ олади.

"Тошкент" бош бекати раҳбарларининг гапига қараганда, бугун бу ерда барча шароит бор. Ҳайдовчилар учун дам олиш хоналари, автобусларни қўядиган жойлар етарли. Автобусларни техник ва ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун барча имконият яратилган. Тиббиёт ходимлари бир неча сменада иш олиб бориши мумкин. Автобусларни ҳам куннинг ҳар қандай вақтида манзилларига жўнатиш имконияти мавжуд.

Мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам бу ишни йўлга қўйиш зарур бўлади. Барча катта шаҳарларимизда бугун бунга имконият бор. Шунда айрим ҳувуллаб қолган автобекатларда иш яна жонланади.

Агар биз айтаётган ишлар амалга ошадиган бўлса, аввало бугун ҳайдовчилар чўнтагига тушаётган нақд пул давлат кассасига тушади ва ҳаракатда бўлади. Иккинчидан, йўловчиларнинг манзилигача хавфсиз етиб бориши таъминланади. Чунки техник носоз автобуснинг йўлга чиқишига, бемор ёки спиртли ичимлик ичган ҳайдовчининг рулга ўтиришига йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, уларнинг етарли дам олишлари таъминланади. Энг асосийси, ҳайдовчиларнинг жавобгарлиги ошади. Йўловчиларга ҳам сифатсиз хизмат учун тегишли идорага шикоят қилишга имкон яратилади. Бу эса, шубҳасиз, хизмат маданиятининг яхшиланишига олиб келади. Қайсидир ҳайдовчи йўловчи ҳуқуқини ҳурмат қилмаса, балки бундай ҳайдовчини йўналишдан четлаштиришгача чоралар кўриш мумкин бўлар.

Тўғри, бу ишни йўлга қўйиш осон кечмайди. Бунинг учун ишга масъул ташкилотлар, хусусан йўл патрул хизмати ва бошқа текширув органлари ходимлари фаол аралашишлари лозим бўлади. Йўл патрул хизмати ходимлари шаҳарлараро автобуслар ҳаракатини мунтазам кузатиб боришлари, автобекатлардан рухсати бўлмаган автобусларни йўлга чиқармасликлари зарур бўлади. Шунда бугунгига ўхшаб, ҳар бир хусусий автобус эгаси, хоҳлаган пайтида, хоҳлаган йўналишига йўловчиларни миндириб кетавермайди, одамлар ҳаётини хавф остига қўймайди.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР, ИСТЕЪМОЛЧИЛАР, МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАР ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА !

Шу йилнинг 23-27 февраль кунлари

Тошкент, Самарқанд, Қарши, Наманган, Урганч шаҳарларида доимий фаолият кўрсатувчи минтақавий кўргазма-савдо ярмаркаларида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбек ипаги», «Ўзчармпойабзали» уюшмалари, бошқа жамият, корхоналар ва хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган кенг турдаги товарларнинг

баҳорги-ёзги мавсумий улгуржи-чакана

САВДО ЯРМАРКАЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.



*Ушбу ярмаркага мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча енгил саноат товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар ва харидорлар таклиф этилади.*

| № | Шаҳарлар | Ярмарка савдоси ўтказиладиган манзил |
|---|---|---|
| 1. | Тошкент | Янги бинода — Навоий ва Фурқат кўчалари кесишган чорраҳа («Хадра» майдони), «Халқ истеъмоли моллари Тошкент регионал ярмаркаси» МЧЖ |
| 2. | Самарқанд | Тошкент кўчаси, 15-уй, «Самарқанд улгуржи-чакана савдоси ярмаркаси» МЧЖ |
| 3. | Қарши | Ўзбекистон кўчаси, 184-уй, «Наргиза» МЧЖ |
| 4. | Наманган | Бобур шоҳкўчаси, 17-уй, «Лола» савдо мажмуаси |
| 5. | Урганч | Ўзбекистон кўчаси, 2-уй, «Урганч универмаги» |

*Ярмаркага марҳамат !*

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 139-10-93, 139-46-97.

8601R/315

*Пастаккина ҳовли. Беланчакда гўдак ухлаяпти. Берироқда, дарахт соясида бир болакай ўзининг навбатдаги шўхлигини завқ ила режалаштираяпти... Ниҳоятда нозик дид билан ишланган ушбу асарга тикиларкансиз, беихтиёр Ғафур Ғуломнинг "Шум бола"си ёдингизга тушади. Тасвирланаётган асар эса ҳайкалтарош, график Азамат Ҳотамов ижодига мансуб.*

*Кўргазма*

# Дилга яқин тасвирлар

Куни кеча Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида ижодкорнинг шахсий кўргазмаси очилди. Бадиий академия раиси Турсунали Қўзиев тадбирни очиб, Азамат Ҳотамовни "Тўйга", "Оналик" ва "Шум бола" асарлари учун академиянинг кумуш медали билан тақдирлади.

– Бир ҳайкалтарошдан зўр асар яратиш учун нима қилиш керак, дея сўрашганида, у: "Тошнинг ортиқча қисмини олиб ташлаш керак" деб жавоб берган экан. Азамат Ҳотамов ана шунинг учун кўп йиллар изланди. Ниҳоят, йигирма йиллик изланишлар натижасини кўриб турибмиз, — деди "Санъат" журнали бош муҳаррири Н.Норматов ижодкор ҳақида гапираркан.

Чиндан ҳам санъаткор ҳар бир асарида киндик қони тўкилган Сурхондарё воҳаси ва унинг соддадил, беғубор одамларининг сиймосини юксак эҳтиром, меҳру муҳаббат билан акс эттирган. Ижодкор "Сумалак", "Кўпкари", "Тўй", "Маҳаллада оқшом", "Сурхондарёлик аёл", "Шеробод мусиқачилари" сингари асарлари орқали ўзбекнинг феълатвори, миллатимизга хос шерюраклик, ибо ва назокат ҳислатларини очиб бера олган. Шунинг учун ҳам А. Ҳотамов асарлари Россия, Франция, Туркия давлатларидаги санъат галереяларида сақланмоқда. Ушбу кўргазмада унинг 56 та график, 42 та ҳайкалтарошлик, 2 та ранг-бўёқли санъат асарлари намойиш этилмоқда.

**Муборак ОХУНОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Katris ФИРМАСИ
МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН
МЕБЕЛЬ
ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА ТАЙЁРЛАЙДИ.
90-07-87
92-03-95
158-15-73
Мебель олсанг «Katris»дан, роҳат қиласан дилдан.
8521R/147

Муҳтарам юртдошлар ва Ўзбекистон меҳмонлари !
Шу йилнинг 23 январидан бошлаб
ТОШКЕНТ - САМАРҚАНД - ТОШКЕНТ
йўналиши бўйлаб ҳаракатланадиган 6 вагондан иборат тезюрар, барча қулайликларга эга бўлган йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.

Сафар давомида Сизга қиймати чипта баҳосига кирган нонушта ёки кечки овқат таклиф қилинади. Қисқа муддатли сафар давомида керак бўлган барча сервис хизматлари кўрсатилади. Хоҳишингизга кўра, қўшимча тўловга ёдгорликлар тўплами, совғалар харид қилишингиз, видеофильмлар ва мусиқали клипларга буюртмалар беришингиз мумкин.

Поезд Тошкентдан эрта тонгда, Самарқанддан эса кечқурун йўлга чиқади ва сизда кун давомида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш имкони бўлади.

Йўловчи поезди катта тезлик билан ҳаракатланиб(автомобиль транспортидан тез) сизларни Самарқандга етказиб,Тошкентга қайтиб олиб келади. Ҳар бир вагон купелари алоҳида бўлиб, уларда 6 тадан юмшоқ ўриндиқли креслолар ўрнатилган.

Сафар давомида сизга оилангиз ва дўстларингиз билан вақтингизни чоғ ўтказишга имкон яратилади. Купе деразасидан Ўзбекистон табиати ва унинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишингиз мумкин.



МАЪЛУМОТЛАР ХИЗМАТИ: 005, 199-72-15.
ВОКЗАЛ БЎЙИЧА НАВБАТЧИ 199-72-16.
МАЪМУР 199-76-27.

Йўловчи поездининг ҳаракатланиш жадвали

| Поезд № | Маълумот | Бошланғич манзилдан жўнаб кетиш куни ва вақти | Белгиланган манзилга етиб бориш куни ва вақти |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент-Самарқанд | 6:50 | 10:50 |
| 2. | Самарқанд-Тошкент | 17:00 | 21:00 |

Поезд ҳафтанинг жума, шанба ва якшанба кунлари қатнайди.

Сафарингиз мароқли ўтсин!
«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»ДАТК
«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

O'zLotto
«ЎЗЛОТТО» лотереяси 9-тиражининг ҲИСОБОТИ
Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган Телевизион, сонли «O'zlotto 6\40» лотереясини ўтказиш шарт ва қоидалари асосида ўтказилди.
Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 6 10 19 16 22 25
Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 14 февраль
Ўйналган ютуқлар:

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи |
|---|---|---|---|
| 6 та тўғри топилган сон учун | 100 000 000 | 0 | 0 |
| 5 та тўғри топилган сон учун | 517 275 | 0 | 0 |
| 4 та тўғри топилган сон учун | 517 275 | 52 | 9 947 |
| 3 та тўғри топилган сон учун | 1 810 462 | 655 | 2 764 |

Ютилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 21 февраль куни ўтказилади.
Кейинги тиражнинг Жек-пот суммаси — 100 000 000 сўм
«Мултилот» қўшма корхонаси
тўкин ҳаёт сари!

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ
Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —374, 33013 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[T]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Р. Ёрлақабов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5